БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 1 сентябрь
ЯКШАНБА
№ 170 (5.213).
БАҲОСИ 8 тийин

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ♦ Ҳафтада беш марта чоп этилади

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ

АХБОРОТ

31 август куни Тошкентда республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни Олий Кенгаш Раиси Ш. М. Йўлдошев очди.

Депутатлар сессиянинг кун тартибини тасдиқладилар. Унга қуйидаги масалалар киритилди:

— Ўзбекистон республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида;

— Ўзбекистон республикасининг давлат байроғи тўғрисида;

— Республика Президенти фармонларини ва Олий Кенгаш Раёсатининг баъзи ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов маъруза қилди.

Маърузани муҳокама қилишда халқ депутатлари С. Д. Сайдалиев, А. Орипов, С. Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ), А. П. Хлебушкина, И. А. Гамбург, А. А. Аветисов, Д. Н. Шамшетов, Н. К. Холбўтаев, Ш. Жўраев, О. К.-С. Адаманов, А. Исаев, О. Ж. Маматова, М. А. Эгамбердиев, С. Ғофуров қатнашдилар.

Депутатлар Олий Кенгашнинг республика давлат мустақиллиги тўғрисидаги баёнотини қабул қилдилар. Тегишли қарорга мувофиқ Ўзбекистон ССРнинг номи Ўзбекистон республикаси деб ўзгартирилди. Мустақиллик белгиланган кун — 1 сентябрь 1991 йилдан бошлаб байрам куни деб эълон қилинди, бу кун дам олиш куни ҳисобланади.

Олий Кенгаш моддама-модда муҳокамадан сўнг Ўзбекистон республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Сессия Ўзбекистон Президентининг фармонларини ва Олий Кенгаш Раёсатининг баъзи ҳужжатларини тасдиқлади.

Олий Кенгаш Ўзбекистон Президентининг «Республика мустақиллиги куни муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармонни маъқуллади.

Сессияда Ўзбекистон республикасининг давлат байроғи тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Депутатлар таклиф этилган намуналарни манфаатдорлик билан ва ҳар томонлама муҳокама этганларидан сўнг конституциявий комиссиянинг мутахассислар гуруҳига ушбу йўналишдаги ишларни давом эттириш ва навбатдаги сессияга Ўзбекистон республикаси давлат байроғининг нусҳаларини тайёрлаш вазифасини топшириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Шу билан навбатдан ташқари олтинчи сессия ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VI сессиясида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

И. А. КАРИМОВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар! Юртдошларим!

19—21 август кунлари рўй берган давлат тўнтариши сабабли мамлакат даҳшатли ҳалокат гирдобига ғарқ бўладиган ҳолатга келиб қолди. Ўзларини СССР-да Фавқулодда ҳолат давлат комитети деб эълон қилган бир гуруҳ кимсалар миллионлаб одамларнинг бошига янгидан мисли кўрилмаган азоб-уқубатлар солмоқчи бўлдилар.

Бутун-бутун халқларнинг озодлигини, жумҳуриятлар мустақиллигини яна кишанламоқчи бўлдилар. Улар Иттифоқдаги оғир, мураккаб вазиятдан фойдаланиб, ўз нопок мақсадларига эришмоқчи бўлдилар.

Нега деганда, марказ бошқаруви мутлақо заифлашиб, парокандалик ва саросимада қолди. Мамлакатни идора қилишга қурби қолмади.

Жумҳуриятлар мустақил давлат бўлиб қолишга интилаётганлиги уларни кўркитиб юборди. Ҳокимият қўлдан кетса, ўзларининг ҳеч кимга керак бўлмай қолишларини улар англаб қолди.

Хуллас, унитар, ўзбекча қилиб айтсак, марказлаштирилган, бутун ҳокимиятни, ҳукмронликнинг ҳаммасини ўзларининг, яъни марказ раҳбарларининг қўлида сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар.

Бўлиб ўтган бу воқеалар халқ хўжалигига, одамларимиз ҳаётига катта зарба берди. Шусиз ҳам жар ёқасига келиб қолган мамлакат қанчалик алғов-далғов бўлиб кетганига Москвада ўтаётган сессиялар, улардаги тортишувлар ва можаролар яққол мисолдир.

Эришилган ғалаба авваламбор, бунга ҳаммамиз тан берамиз, энг катта ҳисса қўшган рус халқи, Россия ва унинг етакчиси Б. Н. Ельцин қўшган ҳисса туфайли бўлганини ҳаммамиз тўғри тушунамиз.

Давлат тўнтариши устидан қозонилган ғалаба айрим гуруҳларнинг бошини айлантириб қўйди. Айни вақтда ақл-идрок поймол қилинган умидларни тиклади. Лекин шу билан бирга мулоҳаза, ўзаро ҳурмат ўрнини яна қонунсизлик, буйруқбозлик, бошқаларни менсимаслик, баъзан эса очиқдан-очиқ фитна ва қатағон аломатлари эгаллаяпти. Мамлакатда ҳамма ҳукмронликнинг, энг муҳим давлат лавозимларининг фақатгина битта, энг катта жумҳурият қўлига берилаётганининг гуноҳи бўляпмиз.

Бундай ҳаракатлар ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган ва олиб келмайди ҳам.

Мамлакатда яна қарама-қаршилик кучаяди, тушунмовчиликлар, низо кўпаяди. Оқибатда яна халқ азоб чекади, тинчлигини йўқотади.

Ҳар қандай оғир шароитдан фақат ҳамжиҳатлик, муроса, бир-бирига ишонч ва бардош билан чиқиб олиш мумкин. Бу—менинг қатъий фикрим.

Мамлакатда бугун мавжуд бўлган кескин қарама-қаршилик вазияти бир кунда пайдо бўлгани йўқ.

Ново-Огоревода Иттифоқ шартномаси устида иш олиб борилаётган бир пайтда СССР Олий Кенгашининг раҳбарлари позицияси маълум бўлди.

Улар ҳар хил сиёсий ниқоблар остида давлатни, марказий бошқарувни эски ҳолича сақлаб қолишга, Иттифоқ шартномасини тайёрлаш ва имзолашда эса, Иттифоқ Олий Кенгашига энг олий, яъни ҳал қилувчи ҳуқуқлар берилишига ҳаракат қилдилар.

Биз эса Иттифоқни фақат унинг таркибига кирувчи давлатларнинг тўлиқ мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги билан янгилаш мумкин деган фикрда қатъий турдик. Асосий келишмовчилик мана шундан иборат эди.

Жумҳуриятлар ўзлари хоҳлаган ваколатларни Иттифоққа эмас, балки Иттифоқ хоҳлаган ваколатларини жумҳуриятларга берармиш.

Иттифоқ органларини янгилашнинг бирмунча қонунлари йўлларини таклиф қилган 9 плюс 1 мурожаатига бўлган ҳужумларни эсланг. Ахир ўша пайтда бу таклифлар ўзаро келишувни таъминлайдиган тўғри йўл эди.

Менга Ҳиндистонда, тўнтаришдан бир кун олдин, мамлакатингизда ҳарбий тўнтариш бўлиши мумкинми, деб савол беришди. Ўшанда мен, бизда ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам хавф ва дўқ-пўписа бор, деб жавоб қайтардим. Бизни қутқарадиган ягона чора — тезроқ мустақил давлатлар шартномасини имзолаш, дедим.

Консерваторлар, эскича фикрловчи кишилар ўз мақсадларига етолмагач, давлат тўнтаришидек мудҳиш йўлга ўтдилар. Бу қадам аввало Иттифоқ шартномаси имзоланишини барбод қилишга қаратилган эди. Бу—мамлакат халқларини яна сиёсий ва иқтисодий парокандаликка, тўқнашувларга рўбарў қилиш деган ғаз эди. Шунинг учун менга бу ҳақда Ҳиндистонда хабар беришганида, хаёлимга келган биринчи фикр: бу тўнтариш — умри қисқа, қалоблик, авантюра деган фикр бўлди.

Тўнтаришнинг дастлабки соатлари ва кунларидан Ўзбекистон ва унинг раҳбарияти ўз муносабатини қатъий маълум қилди:

Бизнинг ўз мақсадимиз ва ўз йўлимиз бор. Бу йўл халқларимиз манфаатига мос йўлдир ва биз унга, нима бўлмасин, қатъий амал қиламиз.

Шунга асосланиб, биз умумхалқ муҳокамасидан ўтган жумҳуриятимиз давлат мустақиллиги Декларацияси ҳамда конституциявий тузум принципларини чекинмай ҳимоя этиб келаяпмиз.

Жумҳурият Президентининг халққа мурожаатида айтилганидек, марказдан қандай кўрсатмалар келмасин, қандай ваъдалар берилмасин, қандай чақириқлар ва дўқ-пўписалар бўлмасин, ҳар қандай шароитда ҳам биз ўзлигимизни, виждонимизни йўқотмаймиз, белгиланган сиёсий йўлимиздан қайтмаймиз.

Биз ҳар қандай сиёсий ва ижтимоий кучлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф қилиш учун тинч вақтда куч ишлатишга ва айниқса ҳарбий куч ишлатишга тамомила қарши чиқдик.

Президент фармони билан жумҳурият ҳудудида фавқулодда ҳолат комитети деб аталган сохта комитетнинг қонунга, Конституцияга хилоф фармон ва қарорлари бекор қилинди.

Бизнинг муносабатимиз ҳалол ва очиқ-ойдин эди. Биз халқдан ҳеч нарсани яширганимиз йўқ.

Шу фурсатдан фойдаланиб ирволарга учмагани учун, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаб қолгани учун, бизни қўллаб-қувватлагани учун халқимизга чексиз миннатдорчилик билдирамиз.

Яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Тўнтариш барбод бўлганлиги равшанлашгани сари, дастлабки даҳшатлардан бошлаб кўплар ўзларини оқлашга, яна кўкракларига урриб, ўзларининг садоқатли эканликларини кўрсатишга киришдилар ва бу ҳол ҳозир ҳам давом этаяпти.

Бизнинг эса сиёсатимиз ўзгаргани йўқ. Ишончим комилки, бизнинг ҳеч ким олдида юзимиз қизармайди ва ҳеч кимга садоқатимизни исботлашга ҳожат йўқ.

Биз учун энг муҳими доимо халқ манфаатларига хизмат қилиш, диёримизда яшаётган барча одамларга яхши турмуш шароитларини яратишдир.

Юртимиз бой, имкониятларимиз катта. Халқимиз меҳнат қилишни яхши биларди, қадимий анъаналар ва бой маданиятга эга. Бу ўлкада буюк мутафаккирлар вояга етган.

Мана шундай заминдаги халқ, ҳар бир оила, ҳар бир киши, миллатидан қатъи назар, бахтли яшашга ҳақлидир. Бу мақсадни амалга ошириш учун биз ҳамма нарсага тайёрмиз.

Бу мақсадга етишнинг асосий шарти — фуқаролар ҳамжиҳатлиги, миллий тотувлик, ҳаётнинг барча соҳаларида иқтисодий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш билан бирга мустаҳкам тартиб-интизом ўрнатишдир.

Олий Кенгашимизнинг биринчи кунлариданоқ қабул қилган барча қонунлари, Ўзбекистон ССР Президентининг фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари ана шу мақсадга, республиканинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил ривожланиш йўлига қаратилган. Мана шу Олий Кенгаш таркиби қабул қилган жумҳуриятнинг давлат мустақиллиги Декларацияси бунинг яққол далилидир.

Биз юқоридан бериладиган кўрсатмаларни, суверенитетимиз ва мустақиллигимиз янги Иттифоқ шартномаси билан қачон мустаҳкамланишини кутиб ўтирмасдан дарҳол бу мақсадни амалда рўёбга чиқара бошладик. Бу ютуқларимизни биздан ҳеч ким тортиб ололмайди.

Одамларнинг ижтимоий ҳимояланиш даражасини ошириш билан боғлиқ кўпгина вазифалар ҳал этилди. Уларнинг кўпчилиги тегишли қонунлар билан мустаҳкамланди, Президентнинг фармонларида ва ҳукумат қарорларида ўз ифодасини топди.

Гап ер участкалари ажратиб бериш, ўзининг ёрдамчи хўжалигини юритиш ва якка тартибда уй-жой қуриш учун одамларни барча зарур нарсалар — уруғлик ва кўчат, чорва мол ва парранда-лари, қурилиш материаллари билан таъминлаш тўғрисида бораяпти.

Пенсиялар, ўқитувчиларнинг иш ҳақи, талабаларнинг стипендиялари оширилди. Бошланғич синфларнинг ўқувчилари учун бепул нонушталар, анемия, яъни кам қонлик касалига мубтало бўлган ҳомиладор аёллар учун имтиёзли овқатланиш жорий қилинди. Уруш қатнашчиларига, ўқитувчиларга ўзлари яшаб турган давлатга ва идораларга қарашли квартираларни шахсий мулк қилиб топшириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Бозор иқтисодиётининг таркибий қисмларини шакл-

(Давоми 2-бетда).

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

31 август куни Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов журналистлар билан суҳбатлашди. Ўзбекистон Олий Кенгашининг Ўзбекистон республикасининг мустақиллиги тўғрисида қонун қабул қилган олтинчи сессияси якунланиши билан ўтказилган бу учрашувда оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, рўзномалар ва ойномаларнинг қаламкашлари, радио ва телевидение ходимлари, Иттифоқ нашрларининг Ўзбекистондаги мухбирлари, «Вашингтон пост» газетасининг мухбири Жим Руперт қатнашди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари тарихига 1991 йилнинг 31 август куни шонли саҳифа бўлиб киради. Бундан буён республикамиз сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан батамом мустақилдир. Эндиликда у қардош республикалар билан ҳам, чет эл давлатлари билан ҳам тенг ҳуқуқли давлат сифатида алоқалар боғлайди, деб таъкидланди журналистлар билан учрашувда.

Жумҳурият Президенти Иттифоқ шартномасига имзо чекиш ва республиканинг мустақиллиги ҳақидаги қонунининг қабул қилиниши тўғрисидаги саволга жавоб қайтариб, биз Олий Кенгаш қабул қилган мазкур қонунга асосланиб иш юритамиз ва Иттифоқ шартномасига қўл қўйишда ушбу қонунга асосланамиз, деб уқтирди. Барча республикалар билан муносабатларимиз фақат тенглик негизида бўлади. Ҳеч кимнинг зўғум ўтказишига, ўз ҳукмини юритишига йўл қўйилмайди, деб айтилди анжуманда.

Президент «Вашингтон пост» мухбирининг Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар бундан кейин қандай кечади, деган саволига жавоб қайтарар экан, биз Борис Ельциннинг, Россия парламентининг фитначиларни маҳв этишда матонат кўрсатганлигини, бунда улар тарихий вазифани адо этганлигини эътироф қиламиз, деди. Айни вақтда бошқа қардош жумҳуриятлар сингари Россия билан муносабатларимиз ҳам тенг ҳуқуқлик пойдеворига қурилмоғи керак.

Марказий газета мухбирларидан бири мустақил Ўзбекистонда рус тилида сўзлашувчи аҳолининг ҳуқуқлари қай тарика ҳимоя қилинади, деб берган саволига Президент: миллати, диний эътиқоди ва ирқидан қатъи назар, Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир кишининг ҳуқуқлари тўла муҳофаза этилади, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларацияга қатъий риоя қилинади, деб яна бир карра таъкидлади. Биз 21 миллион нафар Ўзбекистон аҳлининг тинч, осойишта яшаши учун барча ишларни қиламиз. Халқнинг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш ҳаракатида бўламиз.

Анжуманда Иттифоқ корхоналари фаолияти билан боғлиқ саволлар ҳам берилди. Бу корхоналар эндиликда республика ихтиёрига ўтди. Бундай завод ва фабрикаларда яратилаётган моддий бойлик бундан буён халқимизнинг фаровонлиги учун хизмат қилади.

Ўзбекистон ўзининг пулини чиқарадими, деб савол берилганида жавоб бундай бўлди: Болтиқбўйи жумҳуриятларида, Украинада, бошқа бир қанча республикаларда ўз миллий валютасини чиқаришга ҳаракатлар бўлиб турибди. Агар Иттифоқ органлари Ўзбекистонни бундан ҳам танг аҳволга солиб қўйишадиган бўлса, жумҳурият пулини чиқариш масаласи кун тартибига қўйилиши мумкин.

Учрашувда Ўзбекистоннинг олтин конларини республика манфаатини кўзлаб тасарруф этиш хусусида бир неча саволлар берилди. Президент уларга жавоб берар экан, Олмалиқ кон-метал-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТУҒРИСИДА

Ўзбекистон республикасининг мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан **қарор қиламан:**

1. Озодликдан маҳрум қилиш ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм этилган қуйидаги шахслар жазони ўташдан озод қилинсин:

а) 60 ёшдан ошган эркаклар ва 55 ёшдан ошган аёллар;

б) I ва II гуруҳ ногиронлари;

в) вояга етмаган болалари бўлган ва ҳомиладор аёллар;

г) Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар.

2. 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилишга ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм этилган аёллар жазодан озод қилинсин.

3. 3 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилишга ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм этилган вояга етмаган ўсмирлар жазони ўташдан озод қилинсин.

4. Фармоннинг 1 ва 2-моддаларида кўрсатиб ўтилган шахслар сургун ва бадарга каби қўшимча жазолардан озод қилинсин.

5. Фармоннинг 1, 2, ва 3-моддалари таъсирига тушмаган шахсларга ва оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳамда эҳтиётсизлик натижасида содир қилинган жиноятлар учун биринчи марта судланганларга ўталмаган жазо муддатининг ярми қисқартирилсин.

6. Терговда ва ҳали судда кўрилмаган қуйидаги барча ишлар:

а) ушбу фармон кучга киргунга қадар фармоннинг 1-моддасида кўзда тутилган шахслар томонидан содир қилинган жиноятлар ҳақидаги ишлар;

б) ушбу фармон кучга киргунга қадар фармоннинг 2-моддасида кўрсатилган шахслар томонидан содир этилган ва қонунда 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо белгиланиши кўрсатилган жиноятлар ҳақидаги ишлар;

в) ушбу фармон кучга киргунга қадар фармоннинг 3-моддасида кўзда тутилган шахслар томонидан содир этилган ва қонунда 3 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо белгиланиши кўрсатилган жиноятлар ҳақидаги ишлар ҳаракатдан тўхтатилсин.

7. Фармоннинг 1, 2, 3 5-моддаларида кўрсатиб ўтилган қуйидаги шахслар:

а) алоҳида хавфли давлат жиноятлари учун, шунингдек миллий ва ирқий тенг ҳуқуқликни бузганлик; давлат сирини ошкор қилганлик; бандитизм; ахлоқ тузатиш меҳнат колониялари фаолиятини издан чиқарувчи хатти-ҳаракатлар; контрабанда; оммавий тартибсизликлар; қалбаки пул ва қимматбаҳо қоғозларни ясаганлик ёки ўтказганлик; валюта операциялари қоидаларини бузганлик учун ҳукм қилинганларга;

б) алоҳида хавфли рецидивист деб танилганларга;

в) қасддан одам ўлдирганлик; қасддан оғир тан жароҳати етказганлик; милиция ходими ёки халқ дружиначисининг ҳаётига тажовуз қилганлик; айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда номусга текканлик; давлат, кооператив ёки жамоат мулкини алоҳида йирик миқдорларда талон-торож қилганлик; давлат ва жамоат мулкини хонага ёки мулк сақланадиган жойга кириб ўғирлаганлик; уйга кириб ўғирлик қилганлик; айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда талончилик; босқинчилик; айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда таъмагирлик (рэкет); айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда пора олганлик, пора берганлик, пора олиш ва бериш воситачилик қилганлик; ашаддий безорилик, ўта ашаддий безорилик учун, шунингдек Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 209-2, 209-3, 210-1-моддаларида; 213-моддасининг 2-қисмида ва 216-2, 216-3, 216-4, 216-5-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этганлик учун жазога ҳукм қилинганларга;

г) қасддан содир этилган жиноятлар учун бир неча бор судланганларга ҳамда фармон мазкур моддасининг «а» ва «в» бандларида кўрсатилган - жиноятлар учун судланганларга;

д) аввал авф этиш ёки амнистия туфайли жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир қилганларга;

е) алкоголизм, гиёҳвандлик ёки таносил касаллигига қарши даволаш курсини тўлиқ ўтамаганларга;

ж) жазони ўташ даврида режимни ашаддий бузувчиларга нисбатан амнистия қўлланилмайди.

8. Ушбу фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради, фақат Ўзбекистон ССР судлари томонидан судланган ва республика тергов органлари томонидан жиноий жавобгарликка тортилган шахсларга татбиқ қилинади ва уч ой ичида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1991 йил 31 август.

МУСТАҚИЛЛИК МУБОРАК,

И. А. КАРИМОВ нутқи

(Боши 1-бетда).

лантириш йўлида қўйилган дастлабки қадамлар амалда сезиларли бўлиб қолди. Республиканинг марказий иқтисодий идоралари ислоҳ қилиниш босқичида турибди. Бу идоралар ўз фаолиятида тақсимлаш принципларидан кўпроқ воз кечмоқдалар, марказнинг ҳукмидан халос бўлмоқдалар ва мулкчилик шаклларидан, кимга бўйсунишидан қатъи назар, республикада жойлашган барча корхоналар ва ташкилотларнинг ишини мувофиқлаштиришга тобора кўпроқ эътибор бермоқдалар.

Молия-кредит соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй берди. Иш билан таъминлаш муассасалари принципиал янгича асосда қайта ташкил этилмоқда. Кичик корхоналарни хусусийлаштириш соҳасида ҳам сезиларли силжишлар бўлди. Савдо, матлубот кооперацияси, маиший хизмат, маҳаллий саноат соҳасида ҳозирдаёқ бошқа мулкчилик шакллари билан баббаравар хусусий корхоналар ҳам ишлаб турибди. Кооперативлар ҳамда қўшма корхоналар кўпайди ва кенгайди.

Бизнинг ташқи иқтисодий фаолиятимиз сезиларли равишда ривожланяпти. Бунинг учун қулай ҳуқуқий негизни яратувчи қонунлар қабул қилинди. Ишбилармонларнинг Тошкентдаги учрашуви ташқи бозордаги ишларни кучайтиришга, чет эл компаниялари, фирмалари ва банклари билан тўғридан-тўғри, ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатишга туртки бўлиб хизмат қилди.

Учрашувда чет эллардаги кўпгина ватандошларимиз ҳам ҳозир бўлдилар, уларнинг кўпчилиги биринчи марта она юртига кела олди. Улар бизни қўллаб-қувватлашларини ва ҳар қандай ёрдам беришга тайёр эканликларини билдиришди. Тошкент учрашуви кўпгина чет эллик сармоядорлар учун Ўзбекистон истиқболли ва ишончли шерик эканлигини намоён қилди. Учрашув давомида ва ундан кейин имзоланган шартнома ва битимлар республиканинг ташқи иқтисодий имкониятлари катталигини, чет эллик шериклар билан барқарор алоқаларни йўлга қўйишдан ҳамманинг ўзаро манфаатдорлигини кўрсатди.

Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг Ҳиндистонга биринчи мустақил, расмий ташрифи ҳам танлаган йўлимиз тўғри эканлигининг яққол далилидир.

Ҳурматли депутатлар! Ташриф давомида бу буюк қўшни давлат раҳбарияти билан имзоланган ҳужжатлар асосида мен шуни ишонч билан айта оламанки, бу тарихий битимлар бизу учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Биз буларнинг ҳаммасини мустақил равишда ҳал этиб, етилган масалаларни ечишда Иттифоқ идораларидан сезиларли равишда олдин боряпмиз. Бу хусусда марказдагиларнинг бирортаси ҳам бизни олқишлаб қабул қилаётгани йўқ. Аксинча, гўё бу — Ўзбекистон Президентининг ўзбошимчалиги деб ҳисоблашди. Буларнинг ҳаммаси Иттифоқ кўрсатмаларига мувофиқ келмайди, ёки уларга зид эмиш. Гўё буларнинг ҳаммаси вақти келиб тугатилар эмиш.

Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Марказ ўтказиб келган сиёсат республиканинг ривожланишига, аввало, унинг мустақиллигига, миллий тикланишига зиён етказди, холос. Бу сиёсат республикага хом ашё базаси ролини ажратиб қўйган бўлиб, Чор Россиясининг сиёсатидан деярли фарқ қилмасди.

Иттифоқнинг барча бошқарув идоралари мана шуни асосий ўринга қўйишган эди. Улар фақат битта нарсани билишарди — бу минтақа пахта, хом ашё билан таъминланиши лозим, қолгани эса ночор халқнинг ўзига ҳавола эди. Бизга кўп нарса ваъда қилишганди. Мамлакатнинг пахта мустақиллиги йўлида республика кўп қурбонлар берди. Халқимиз тақдири гўшт, сут ва ҳаёт учун энг зарур бўлган бошқа маҳсулотларнинг фақат четдан олиб келинишига боғлиқ қилиб қўйилди.

Мана шуларни очиқ айтиш пайти келди, акс ҳолда биз халқни ишонтира олмаймиз. Шуни рўй-рост айтиш керакки, бундай сиёсат Ўзбекистонни ҳалокат ёқасига, қашшоқ, ночор аҳволга олиб келди. Бюджетда эса молиявий қарамликка олиб келиб қўйди. Сарф харажатларимизнинг етишмаётган қисмини қоплаш учун марказ бироз қўшимча пул — садақа беради, деган умид билан яшашга бизни мажбур қилдилар, ҳар бир арзимаган нарса учун биз марказга бўйин эгиб борар эдик.

Бу вақт ичида бизга ким дўсту ким душман, ким бизга яхшилик, тинчлик, хотиржамлик тилайдию кимнинг қўйнида тоши борлигини ҳам аниқ билиб олдик.

Биз юртимизни чин юракдан севиб, унга кўнгил қўйганларни ҳам ва аксинча, бизнинг тарихимизни, тилимизни, урф-одатларимизни, улуғ маданиятимизни ҳеч қачон билмаган ва билишни истамайдиганларни ҳам тушуниб етдик.

Сиёсий, иқтисодий ва маънавий эркинликка эришиш, жумҳуриятимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида гуноҳсиз жабр тортган авлодларимиз, одамларимиз шаънини, номини, орномусини тиклаш борасида сўнгги йилларда қилинган ишларни халқимиз қўллаб-қувватлади. Аҳолининг барча табақалари вакиллари бундан руҳланди, халқнинг сиёсий ва маънавий онги юксалди, хуллас, одамларнинг қадди ростланди.

Буларнинг ҳаммасига халқимиз не азоблар билан, ўзининг бутун тарихи ва мисли кўрилмаган меҳнати билан эришди. Шунинг учун биз бу йўлдан қайтмаймиз. Бу — бизнинг халқимиз, унинг келажаги олдидаги бурчимиз, жавобгарлигимиздир.

Ўртоқлар! Бугун халқимизга шу нарса аниқки, ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларга эришишнинг ягона йўли бор. У ҳам бўлса — жумҳуриятнинг мустақиллигига эришишдир.

Мамлакат катта фалокат ёқасига, жар ёқасига келиб қолганини кўриб турибмиз. Халқ ўзининг эртанги кунига ишончини кундан-кунга йўқотаяпти. Одамлар ўзларининг, оиласининг, болачақасининг тинчлигига кафолат истайди. Тўкис, хотиржам ҳаёт талаб қилаяпти. Бу истаклар, бу талаблар сафсатабозлик ва ваъдабозликлар остида кўмилиб кетаяпти.

Бизнинг халқимиз сабр-бардош, яхшилик, осойишталик, бошқа халқларга нисбатан ҳайрихоҳлик руҳида тарбияланган. Бу халқ бугун биздан ҳимоя талаб қилаяпти, тинч-тотув ҳаёт, оғир меҳнатига яраша турмуш шароитлари талаб қилаяпти. Бу — ҳаққоний талабдир.

Хабарингиз бор, биз сўнггги пайтда Иттифоқ шартномасини имзолашни тезлаштириш тарафдори бўлиб келдик. Агар бу Иттифоқнинг конфедерация асосида ҳақиқатан ҳам тенг, мустақил давлатлар Иттифоқи бўлишига ишонч бўлганда, биз бугунги кунда ҳам бу фикримиздан қайтмас эдик.

Аммо, яна қайтариб айтаман, вазият жуда тез ўзгариб бормоқда.

Мен бугун мазкур сессия иштирокчиларигагина эмас, бутун халқимизга ҳам мурожаат қилиб айтмоқчиман:

Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қачон, қандай иттифоқ бўлмасин, ким билан иттифоқ бўлмасин, қандай шароит бўлмасин иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам қўймайди. Тенглар ичида тенг бўлиш — халқимизнинг асрий орзусидир.

Шунинг учун биз ўз мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлида янги қадамлар қўйишимиз шарт. Ўзбекистон давлат мустақиллиги Декларацияси қабул қилиниши қаторида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги комитетининг жумҳурият қарамоғига ўтиши, СССР Ички ишлар вазирлигининг жумҳориятдаги қўшинлари жумҳурият Президентига бўйсундирилиши, ҳуқуқ-тартибот органларида, Ички ишлар вазирлигининг ҳамда Туркистон ҳарбий округининг Ўзбекистонда жойлашган қўшинларида партия ташкилотларининг тугатилиши ана шундай биринчи қадамлардир.

Биз билан самимий дўстлик алоқаларини, тенг ва ўзаро фойдали ҳамкорликни ўрнатмоқчи бўлган барча кишилар бу тадбирларимизни тўғри тушунишларини хоҳлайман.

Бу — мамлакатимиздаги бошқа халқлар билан алоқаларни мутлақо узиш деган гап эмас. Хусусан, бирбирига пайванд бўлиб кетган халқлар яшайдиган Ўрта Осиё шароитида буни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон халқлари билан минг йиллик муштарак тарихи ва маданияти, қавм-қариндошлиги, умумий орзу-умидлари бор. Уларни ҳеч қандай куч бир-биридан ажратолмайди.

Биз бу алоқаларни, бу ҳамкорликни бундан кейин ҳам мустақил давлатлар ҳамкорлиги сифатида ривожлантирмоқчимиз. Беш жумҳурият раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида қабул қилинган қарорларни оғишмай амалга оширамиз. Минтақада яшовчи барча халқларнинг ҳаётига ва тинч-тотувлигига таъсир қилувчи мураккаб экологик, иқтисодий, ижтимоий муаммоларни фақат биргаликда ҳал эта олишимизга ишончимиз комил.

Биз Иттифоқ шартномасини имзолаш ғоясини батамом рад этаётганимиз йўқ. Аммо бу шартномага жиддий ўзгартишлар киритиш зарур. Бўлажак Иттифоқ мустақил давлатларнинг конфедерацияси, эркин Иттифоқ сифатида шакланмоғи керак. Бу давлатлар ягона иқтисодий ҳудудга эга бўлиб, ҳарбий, сиёсий, тинчлик, ижтимоий тараққиёт, ядро ҳалокатидан сақланиш учун курашда ўзларининг ташқи сиёсатдаги фаолиятларини ҳам бирлаштиришлари лозим.

Аммо шу билан бирга улар эркин, мустақил ва тенг ҳуқуқли давлатлар бўлиб қолишлари, ўзларининг миллий давлат тузилиши, ташқи бозорга чиқиш, ўзи маъқул топган барча мамлакатлар билан халқаро муносабат ўрнатиш, дипломатик ва консуллик алоқалари масалаларини мустақил ҳал этишлари керак. Яна таъкидлаб айтаман, бу иш ҳеч кимнинг буйруғисиз ва аралашувисиз мустақил амалга оширилиши керак!

Мана шу шароитга, сабабларга асосланиб, халқимиз хоҳиш-иродасини бажо келтириб Олий Кенгаш диққатига фақат бир масалани қўймоқчиман: Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақидаги қонунни муҳокама этиш ва уни қабул қилишни таклиф этаман.

Бу қонунда қадимий ва янгиланаётган диёримизда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топган. Халқимизнинг бу эзгу хоҳиш-иродаси биз учун муқаддасдир.

Сўзимнинг охирида Ўзбекистоннинг мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан унинг ҳудудида яшовчи бирон-бир фуқаронинг миллатига қараб камситилишига йўл қўйилмаслигини яна бир карра ишонтириб айтишни ўзимнинг президентлик бурчим деб биламан.

Жумҳуриятимизда истиқомат қилувчи барча миллат вакилларининг конституциявий ҳуқуқларини муҳофаза этиш, уларнинг маданияти, миллий урф-одатлари ривожланишига, она тилида сўзлашиши ва ўқишига барча шароитларни яратиш учун бор имкониятлар ишга солинади.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсати-инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланади ҳамда фуқаролар осойишталиги ва миллий муроса сиёсати бўлиб қолади.

Мен шу бугундан эътиборан биринчи сентябрни жумҳуриятимизда мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман.

Бу байрам, сизга, халқимизга муборак бўлсин, азиз юртдошларим!

Бу байрам абадул-абад бўлсин!

✦ Ўзбекистон халқ депутати, Киров районидаги «Бешариқ» давлат хўжалиги директори Турсунали Баркашев тадбиркор, ташаббускор раҳбар. Беш йил мобайнида совхозни ҳар томонлама юксалтиришга эришди. Хўжаликда нисон омилига алоҳида эътибор берилаётганлиги, моддий манфаатдорлик таъминланаётганлиги туфайли барча далалар ва фермада сидқидил тер тўкмоқда. Ижтимоий соҳа муаммолари бирин-кетин ҳал этилмоқда.

СУРАТДА: (чапдан) давлат хўжалиги комсомол комитети котиби М. Эшонқулов, директор ўринбосари М. Эгамбердиева, совхоз директори Т. Баркашев ҳамда «Ватан» қишлоқ Кенгаши раиси О. Тоирова ўртоқлар галдаги вазифалар хусусида фикрлашишмоқда.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

ЭРК ҲАҚҚИ

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

Қадимий бобо юртим,
Қутлуғ бўлсин яловинг,
Ўйлай-ўйлай ташланган
Қадам муборак бўлсин.
Тағин гуриллаб ёнгай
Учмаган қалб оловинг,

Эрк ҳаққига ичилган
Қасам муборак бўлсин.
Кимсага ёмонликни
Кўрмагансан ҳеч раво,
Лекин шум қутқулардан
Чиқмади шўрлик бошинг,
Энди сени қўлласин
Зафар ўзи доимо,
Сафаринг бехатару
Ҳизр бўлсин йўлдошинг.

МАЪМУРЧИЛИК ОМИЛИ

Д. ЕДГОРОВ,
Ўзбекистон Компартияси Бухоро вилоят комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси.

Вилоят совет ва хўжалик органлари иқтисодиётни мустаҳкамлаш, халқимизни чорвачилик маҳсулотлари билан тўлароқ таъминлаш мақсадида меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Қўшимча ерлар ажратилганлиги, ҳонадон чорваси озуқа билан таъминланаётганлиги меҳнаткашларнинг тармоқни ривожлантиришга бўлган қизиқишини ошириб юборди. Тадбиркор, ишбилармон кишилар ички имкониятлардан унумли фойдаланиб, ой сайин яхши кўрсаткичларга эришишмоқда. Аҳоли қўлидаги чорва моллар ўтган йили 1989 йилга нисбатан 60 минг бошга, шу жумладан сигирлар 23,3 минг, қўйлар 56 минг бошга ошди. Ҳозирги кунда ҳонадон фермаларида асралаётган қорамоллар 315 мингтадан ошиқдир.

Биз айниқса, сўнгги вақтларда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширяпмиз. Хайрли иш вилоятда 1988 йилда бошланган эди. Ёр айниқса, 1989-90 йилларда қизғин ривожланди. Янгиликнинг моҳияти шундай: фермерлар давлатдан олинган қарз ҳамда ўз шахсий жамғармалари ҳисобидан чорва моллари сотиб оладилар. Уларга етарли миқдорда озуқа ва бошқа керакли нарсалар ажратилади. Фермер давлатга топширган чорва маҳсулотлари ҳисобидан қарзини узади. Колхоз ва совхозлар асралаётган моллар бош сонига қараб емиш етиштириш учун ер ажратадилар. Ҳозирда ижара пудрати асосида 1.122 гектар ер берилган. Бундан ташқари фермерлар аралаш ем сотиб олиш имкониятига эгалар. Қишли-қировли кезларда лозим бўлганида жамоатчилик секторидан ем-хашак ажратиш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг 1 январига Бухоро вилоятида 2.653 шахсий деҳқон фермалари мавжуд бўлиб, уларда 5.906 киши меҳнат қилаётганди. Қорамоллар бош сони қарийб 15,5 мингтани ташкил этарди. Натижа ҳам чакки бўлмади. Жами 821 тонна гўшт, 12,4 минг тонна сут етказиб берилди. Бу вилоятда етиштирилаётган гўштнинг 2, сутнинг 13 фоизини ташкил этади.

Ҳозирги кунда 2.827 фермер хўжаликлари мавжуд. Янгилик ихлосмандлари 16.377 бош қорамолни меҳр билан парваришлашаяпти. Шундан 7.234 таси сигирлардир. Эндиликда ишонч билан айтиш мумкинки, маъмурчилик омили бўлмиш фермерлик ҳаракати ўзини оқламоқда. Рақамларга мурожаат қилайлик. 1991 йилнинг ярим йиллигида улар ҳисобига 8,9 минг тонна сут, 678 тонна гўшт тўғри келди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 153 тонна гўшт, 1.300 тонна сут кўп демакдир.

Партия, совет ва хўжалик органлари хайрли ишнинг хосиятини меҳнаткашлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш, муаммоларни қисқа вақт ичида ҳал этиш, юқори кўрсаткичга эришаётганларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширишяпти. Шу боисдан одамлар мол парваришлаб, асло кам бўлмасликларини тушуниб етдилар. Айниқса, Ромитан, Свердлов, Пешку, Ғиждувон районларида бу борада тилга олса арзигулик ишларга қўл урилди.

Айни кунларда Ромитан районида 345 та фермер хўжалиги бўлиб, маҳсулдорлик тобора ошиб бормоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида меҳнатсеварлар 64 тонна гўшт, 2.000 тонна сут тортиқ этдилар. Свердлов районининг 363 фермер хўжалиги эса 218 тонна гўшт ҳамда қарийб минг тонна сут топшириш муваффақ бўлишди. Хайрли ишга биринчилар қатори қўл уриб, маъмурчилик ишига муносиб ҳисса қўшаётганлар номини алоҳида тилга олиш жоиз. Мустафо Файзуллаев Бухоро районидаги Усмон Юсупов номли жамоа хўжалиги фермери. Оила аъзолари билан 70 бош қорамолни яхши парвариш қилаяпти. Ишбилармон, ташкилотчи бу чорвадор ҳар қандай шароитда ҳам мақсадга эриша олади. Емиш ҳозирлашда мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланмоқда. Ўтган йили М. Файзуллаев оиласи 1,4 тонна гўшт, 24 тонна сут топшириб бар чани қувонтирган эди. Шу кунгача эса 11 тонна гўшт, 17 тонна сут истеъмолчиларга етказиб берилди. Сидқидил тер тўккан асло кам бўлмайди. Ўтган йили Файзуллаев бошлиқ фермер хўжалиги аъзолари 166 минг сўм даромад қилишди. Соф фойда 8,3 минг сўмни ташкил этди. Ҳар бир ишчининг йиллик даромади 4.160 сўм бўлди.

Пешку районидаги «Москва» колхози фермери Талаб Фаттоев ҳам хайрли ишга биринчи бўлиб киришганлардан. Унинг ишбилармонлигига барча қойил қоляпти. Нияти жорий йил охиригача давлатга 6 тонна гўшт, қамида 50 тонна сут сотишдир. Бундай илиқ гапларни Олот районидаги Ленин номли колхозидан Саттор Эргашев, Бухоро районидаги «Партия XXVII съезди» давлат хўжалигидан Ҳаёт Каримов, Вобкент районидаги «Пахтакор» колхозидан Отақул Тўхтаев, Ғиждувон районидаги Калинин номли колхозидан Майсара Калонова, Қоракўл районидаги Карл Маркс номли колхозидан Рўзи Сайлихонов, Пешку районидаги «Маданият» колхозидан Нарзулла Собиров ўртоқлар шаънига ҳам айтиш мумкин. Эҳ маъмурчилиги йўлида сидқидил тер тўкаётган фидокорлар сўз ва шахсий ибратлари билан кишиларга руҳ ва мадад бағишлашаяпти.

Аҳоли чорвасига намунали зооветеринария хизмати кўрсатишга эришиш юзасидан ҳам қизғин иш олиб бориляпти. Хусусан, сунъий қочириш ишлари яхши ташкил этилган. Бу борада кооперативларнинг мутахассислари жонбозлик кўрсатишяпти.

Фермер хўжаликлари билан колхоз ва совхозлар фермаларида эришилаётган натижалар орасидаги фарқ катта. Деҳқон хўжаликлари ишлаш қанақа бўлишини амалда кўрсатишаяпти. Ҳисоб-китоб пухта йўлга қўйилган, озуқа мутлақо исроф қилинмайди, моллар парвариши аъло даражада. Демак, янгиликдан катта умид қилса бўлади. Ўн иккинчи беш йиллик охирига бориб, фермерлар сони ҳозиргига нисбатан қарийб 2 баравар кўпаяди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра улар йилига қарийб 4 минг тонна гўшт ва 43 минг тонна сут етиштириш имконига эга бўладилар.

Ечимини кутаётган муаммолар ҳам анчагина. Фермер хўжаликлари сони кўпайиб бораётганлигини ҳисобга олиб яқин вақт ичида уларнинг низоми ва мақомини ишлаб чиқиш даркор. Қўл меҳнатини енгиллаштириш, оғир жараёнларни механизациялаш ниятида кичик техника воситаларидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш даркор. Хонадонларда асралаётган моллар зотини яхшилаш учун зотли бузоқлар сотишни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Озуқа масаласини ҳал этишга барча ҳамжиҳат ҳаракат қилиши керак. Юқори кўрсаткичларга эришаётган фермерларни рағбатлантириш мақсадида уларга харидоргир моллар, енгил автомашиналар ажратишни тажрибада қўллаш тавсия этилмоқда.

Айни кунларда сўзида устивор бухороликлар халқимиз дастурхонини тўкин-сочин қилиш ишига арзигулик ҳисса қўшиш учун омилкорлик кўрсатиб ишламоқдалар. Гўёки бугун наинки вилоятимизда, балки жаннатмакон Ўзбекистонимизда офтоб барвақтроқ уйғонди. Жонажон Ўзбекистонимиз мустақил давлат сифатида эълон қилинганлиги қалбларимизни ҳис ҳаяжон, фахр ҳис-туйғуларига чулғади. Қутлуғ кун муборак. Бахтимиз боқий бўлсин!

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

(Боши 1-бетда).

лургия комбинатида тайёрланаётган олтин ва кумуш республика ихтиёрига олинаётганлигини айтди. Агар марказий ҳукумат олтин бойликлари хусусида бизнинг раъимизга юрмайдиган бўлса, Зарафшон комбинати олтинларини жумҳурият халқи тасарруфига олиш ҳақидаги масала ҳам қалқиб чиқади, албатта. Бу бугун Ўзбекистон Олий Кенгашининг сессиясида қабул қилинган мустақиллик тўғрисидаги қонуннинг ер ости бойликларини қазиб олиш, қайта ишлаш ва сақлаш республика ихтиёридадир, деган бандига ҳам айнан мос келади.

Ўзбекистон Компартиясининг истиқболи хусусидаги саволга жавоб қўйидагича бўлди. Компартия XXII съезди иккинчи босқичининг жами ҳужжатларида халқимизнинг тарихи, унинг урф-одатлари ва анъаналари, маҳаллий шароитлар, халқнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушадиган мустақил сиёсий йўлимиз тўла-тўкис ўз ифодасини топди. Бу аввало Ўзбекистон Компартияси Дастурида, унинг Уставида акс этди. Ўзбек халқининг фаровонлиги, миллатидан, диний эътиқодидан ва мавқеидан қатъи назар, республика ҳудудида яшаётган барча кишиларнинг фаровонлиги шундай олий мақсаддирки, бу йўлда биз ҳар қанча жон куйдиришга тайёрмиз. Фуқароларнинг осойишталиги, миллий тотувлик, тадбиркорликнинг тўла иқтисодий эркинлиги шароитида республика турмушининг барча соҳаларида қатъий интизом ва тартиб бу мақсадга эришишнинг асосий йўлидир. Бизнинг олий мақсадимизни рўёбга чиқаришга бел боғлаган бошқа партиялар ва ҳаракатлар билан ҳам ҳамкорлик қилишимиз мумкин.

Журналистлар билан учрашувда қаламкашларнинг бошқа кўпдан-кўп саволларига ҳам батафсил жавоб берилди.

(ЎзТАГ).

ҚУШМА ПЛЕНУМ

Сурхондарё вилоят партия комитети билан вилоят партия ташкилоти назорат комиссиясининг қўшма пленуми бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг навбатдан ташқари қўшма пленуми якунлари муҳокама қилинди. Сурхондарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят кенгашининг раиси Х. Э. Бердиев маъруза қилди.

Сурхондарё вилоят партия ташкилотининг XXIII конференциясини чақириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Уни 10 сентябрда ўтказишга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Деҳқонбой Устабековни Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли жамоа хўжалигида ҳамма ҳурмат қилади. Бу бежиз эмас. 69 ёшли отахон хўжаликнинг 50 гектар ерида ажойиб боғ яратди. Фарзандлар ҳам ота изидан бориб, боғбонлик қилишаяпти. Улар шароит мураккаб келганига қарамасдан даврахтларни яхши парвариш қилиб, мўл мева етиштирдилар. Айни пайтда қосилни йиғиштириб олиш қизғин давом этаяпти.

СУРАТДА: тажрибали боғбон Деҳқонбой Устабеков ўғиллари Абдужаббор ва Абдуқодир билан шафтоли тераяпти.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ҚУТЛУҒ НИЯТ

Мустақиллик диёримиздаги барча камчиликларни очиқ-ойдин кўрсатиб беришга йўл очади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленумида баён этилган, халқимиз истиқболи ва келажаги тўғрисидаги барча фикр-мулоҳазаларга қўшиламан. Жумҳуриятимиз қанча тез эркин ва мустақил бўлса, илм-фан тараққиёти шунча тез авж олади ва халқ манфаатига хизмат қилади. Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институтининг илмий ходимлари мустақилликни чин юракдан қўллаб-қувватлайдилар. Бундан буён жамоамиз илмий ишларини ўлка иқтисодини кўтариш, халқимиз саломатлигини ҳамда экологияни яхшилашга қаратади.

Институтимизда республика учун зарур илмий ишлар мавжуд. Шу жумладан: чорва учун тўйимли ем-хашак тайёрлашдаги микроорганизм ферментлари, ифлос сувларни тозалайдиган ўсимлик ва сувўтлари, шифобахшлиги туфайли қўлланиладиган ачитқилар, ғўза касалликларининг олдини олиш учун заҳарли химикатларга оид ишланмалар бор. Бундай зарурий, иқтисодни кўтарадиган тадбирларни қўллаб муваффақиятларга эришиш мумкин.

Ҳозирги кунда гўшт, сут, сифатли полиз маҳсулотлари кам. Қани энди айтингчи, буларни биз бошқа жумҳуриятлардан ёки чет эллардан олиб келинишини кутиб туришимиз керакми? Йўқ, албатта. Фойда берадиган ҳар қандай илмий янгиликни эркинлик, мустақиллик йўлида дадил жорий этиш лозим.

И. ЖУМАНИЕЗОВ,
биология фанлари номзоди.

ЖАННАТМАКОН ЎЗБЕКИСТОН!

Ҳамид ҒУЛОМ
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЎШАЛ КУН КЕЛДИ!

Ўзбек халқи — ўз ота халқимиз ўз муқаддас замини— она диёрида узоқ йиллар давомида орзиқиб кутган кун— миллий мустақиллик куни ниҳоят етиб келди; миллатимизнинг чин эркига, ўз ихтиёри ила равнақ топиш имкониятига эга бўладиган нурли айёми етиб келди!

Жумҳуриятимизнинг юксак мақомли анжумани Олий Кенгашимиз узоқ давом этган адолатсизликка хотима чекди. Ўтган асрнинг ўрталаридаёқ бошланган, мудҳиш ва қонхўр чор генерали Скобелевнинг қонга бўялган этиклари остида топталган, қўл-оёқларига мустамлака кишанлари урилган, зиндон ва авахталарда ингираган, Сибирь сургунларида қон қақшаган жабрдийда Туркистон, етмиш тўрт йил давомида бўлак-бўлакларга бўлиб ташланган, якка ҳокимлик—тоталитаризм истибдодининг чексиз изтиробларига бардош бериб келган халқлар, ўз иссиқ ери, ўз чучук сувига зор қилиб қўйилган эллар, улуслар эндиликда мардона бош кўтариб, Аллоҳ таоллодан насиб этган ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этдилар, ўз мустақил давлатларини эълон қилдилар, ўз миллий байроқларини кўкка кўтардилар.

1 сентябрь куни эндиликда ва бундан буён абадул-абад мустақил Ўзбекистон жумҳуриятининг, унинг муборак заминини ватан этган озод халқнинг чин байрами — Мустақиллик байрами, миллий байрами бўлиб қолади.

Бу йилнинг шу кунидан эътиборан, яъни шу бугундан эътиборан заминимиз, табиатимиз ерости бойликларимиз, жамъи иншоот ва корхоналар, халқимиз яратган хазиналару дафиналарнинг ҳаммаси жумҳуриятимиз ихтиёрига ўтади. Жамъи йўлларимизга, дарё-кўлларимизга, ҳайвоноту набототдан тортиб сув, ҳаво, темир йўлларгача — ҳамма ҳаммасининг соҳиби ўзимиз, ўз халқимиз.

Ташқи иқтисодий алоқалар ўз ихтиёримизда бўлади, шаҳар бозорларига ўзимиз йўл очамиз, фарзандларимизни дунёнинг энг мўътабар илмгоҳларида ўқитамиз, шундай даражага етиб, шу қадар илмий, иқтисодий, маданий юксакликларга етамизки, яқин кунлар ичида юксак тараққий топган фаровон хориж иқтисодчилари ва тожирлари нафақат биз билан баробар сўзлашадиган, ишлашадиган, балки бизнинг авлодларимиздан иш ўрганадиган бўлиб қоладилар.

Дунёда энг оғир кулфат бировга қарамликдир. Ўзгага тобеъ ва мутеъ бўлишдан ортиқроқ хўрлик йўқ. Биз ўтмишда, яъни 1991 йил 1 сентябрига қадар йил-ўн икки ой, кеча-кундуз, узлуксиз ва тинимсиз меҳнат қилдигу бироқ иқтисодий жиҳатдан ҳам, сиёсий, маънавий жиҳатдан ҳам мустақил бўлолмадик. Сабабки, биз «Марказ» деб аталган тоталитар ҳокимиятга қарам, тобеъ бўлдик. Асримиз бошида «оқ подшо»га, унинг Туркистонимизни босиб ётган генерал губернаторига қандай қуллик қилган бўлсак, кейинги 70 йил давомида Сталин, Хрушчев, Брежнев ва ҳоказо «қизил подшо»ларга ҳам худди шундай қуллик қилдик. Маккор тоталитар тузум серқуёш, серсув диёримизни арзон хом ашё етиштирадиган ўз мустамлакасига айлантириб олганини яхши билсак ҳам дамимиз ичимизда бўлди; дил дилимиздан инграсак ҳам овозимизни чиқаришга журъат эта олмадик. Сабабки, овозини чиқарган мард ўғлонларимиз қоронғу кечаларда номаълум жар ёқаларида отиб ташланди, қаҳратон шимолнинг энг мудҳиш чоҳларида умри чиритилди...

Устоз Алишер Навоий демишлар:

Қуёшдек шаҳ адолат пеша қилса,
Жаҳон мулкини бир дамда ёрутқай.
Агар зулм этса ақшом зулматидек,
Ҳам ул дам тийралик оламни ютқай.

Худди шундай бўлди, яъни шоҳ (тоталитар тузум) зулмни авжига миндиргач, оламни тийралик, қоронғулик босиб кетди.

Тоталитар тузум бизга ўзини мадҳ эттириб, ўз шаънига мақтов ашулалар айттириб, ялпи қирғин билан таҳдид солиб, раҳбарларимизни хушомадгўйларга, маддоҳларга айлантириб қўйди-да, ўзи қайфу-сафосини суришда, қон-жонимизни сўришда давом этди...

1985 йил савр шамолига тасанно!

Марказдаги катталар ўзаро мансаб талашишлари, бир-бирларини бадном қилишлари, ҳатто бир-бирларининг гўштларини хомталаш қилиб ейишлари мумкин. Эл-юрт, софдил инсонлар разолатдан жирканадилар.

Асосий масала бошқа ёқда. Буюк ҳаёт, озодлик ва мустақиллик учун тарихий жанг пойтахтда эмас, эркин ва мустақил халқларнинг ўз муқаддас ерлари, ота заминларида давом этаяпти.

Марказ узоқ вақт давомида Болтиқбўйи жумҳуриятларини бадном қилиб келди. Бугун эса биргина марказ эмас, жами жумҳуриятлар ва бутун Европа, Америка. Литва, Латвия, Эстония мустақиллигини тан олаяпти.

Боғларида озодлик чечаклари гуллаган Молдова, Грузия, Арманистон ва Озарбайжонни марказдаги корчалонлар «миллатчилик» «сепаратизм» ва бошқа нопок сўзлар билан ҳақоратладилар. Ваҳоланки, бу жумҳуриятлар ҳам озодлик ва мустақиллик ҳавосидан эркин нафас олиб, миллий тараққиёт йўлидан дадил қадам ташламоқдалар.

Биз Россияга алоҳида тасаннолар айтамиз. Демократиянинг мустақил қўрғони билан фахрланамиз. Америка Оқ уйи билан фахрланарди. Эндиликда руслар эмас, биз — ўзбеклар ҳам Россия Оқ уйи билан фахрланамиз. 19—21 август кунлари зулмат, зўравонлик, тоталитар қўшин Оқ уйга ҳуруж қилганда биз ўзбеклар ҳам ҳимоячиларнинг байналмилал сафларида собит турганимиз билан фахрланамиз.

Демократия миллий қобиққа ўралиб олган кучсиз тўда эмас. Демократия — халқлар эрки, бирлиги, яшаш учун умрбод ва абадул абад зарур тоза ҳаводир.

Биз Украина ва Қозоғистон, Қирғизистон ва жами мустақил жумҳуриятларнинг қардош халқларини муборакбод этамиз.

Ҳар бир халқ ўзича озод ва мустақилдир, булар тенг ҳуқуқли ягона Иттиоққа ихтиёрий бирлашганда эса, метиндек мустаҳкам ва енгилмасдир.

1985 йил савр шамолига тасанно!

Мана, олти йилдирки, ўзбек халқи — менинг эркин ва жафокаш миллатим шу куннинг, яъни 1991 йил 1 сентябрининг ёркин юз очиши учун кунма-кун, қадамба-қадам мардона йўл босиб келди.

Мен ўз заминига, ўз мулкига, ўз байроғига, ўз таронасига, ўз қўшиғига ўзи эга бўлган халқимни, жумҳуриятимни тарихий зафар, шонли байрам билан муборакбод этаман!

Мустақиллигимиз қутлуғ бўлсин, саодатимиз мангу порласин!

ЁРҚИН УФҚ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленумида шу йил 19—21 август кунлари мамлакатимизда содир бўлган фожиали воқеалар, СССРда фавқулодда ҳолат давлат комитети деб аталган комитетнинг ғайриконституциявий хатти-ҳаракатлари Ватанимизни ҳалокат соҳилига келтириб қўйганлиги таъкидланди. КПСС Марказий Комитети раҳбариятини, Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва Котибияти баъзи аъзоларининг қўрқоқ ва тутуруқсиз позицияси партиянинг сиёсий обрў-эътиборини тушириб юборди. Бу эса пленумда таъкидланганидек, партия ташкилотларининг, барча софдил коммунистларнинг тақдирини зарба остига қўйди.

Шу боис Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримовнинг республика суверенитетини, унинг қонуний мустақиллигини таъминлашга қаратилган тадбирларини тўла қўллаб-қувватлайман.

Ислом Абдуғаниевич ҳамма нутқлари ва маърузаларида барқарорлик, тартиб-интизом, фуқароларнинг тинчлиги ва миллий тотувлик бўлишини уқтириб келди. Ваҳоланки буларни амалга оширмай туриб, республиканинг ҳозирги куни ва келажагини тасаввур қилиб бўлмайди.

Мамлакат учун таҳликали кунларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, ҳукумати, Олий Кенгаши ва Президенти партия комитетлари ва ташкилотларини, маҳаллий Советларни жумҳуриятимиз аҳолисини сабр-бардошли ва вазмин бўлишга, ҳар қандай ғиғогарона чақириқларга учмасликка даъват этди.

Етмиш йилдирки, республика бошқарувининг юраги Коммунистик партиядир. Коммунистлар ҳар қандай шароитда жиддий вазифаларни бажаришда олдинги сафларда бўлишди. Жамиятда қайта қуришнинг ташаббускори ҳам партия эди. Қарангки, ҳар галгидай энг оғир дамда яна коммунистларга тош отилди.

Ўзбекистон коммунистлари қийин шароитда ҳам бардошли ва вазмин бўлдилар. Барқарор ижтимоий-сиёсий вазиятни сақлаб қолиш учун астойдил ҳаракат қилдилар. Бугун ҳам ҳақли равишда ёруғ юз билан ўз мустақиллиги учун шайландилар.

Ўз фикрини ошкор айтиш учун минглаб партия аъзолари Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съезди ўтказиладиган кун — 14 сентябрни сабрсизлик билан кутмоқдалар. Шунинг учун ҳам ёрқин кунлар яқин, десак янглишмаймиз. Мустақил сиёсий ташкилот бўлмиш Компартиямизнинг бундан кейинги фаолияти билан боғлиқ барча масалалар ҳар бир коммунист зиммасига улкан масъулият юклайди.

М. СУЛАЙМОНОВ,
коммунист, Ленинград райони.



ЧЎЛҚУВАРЛАР ШИЖОАТИ



Мирзачўлда бугун қўш тантана. Биринчиси, уни ўзлаштира бошланганига 35 йил тўлиши нишонланаётган бўлса, иккинчиси Ўзбекистонимиз мустақил давлат сифатида эълон қилинди. Бу улкан тарихий воқеа бўлди. Миллионлаб юртдошларимиз қалбига ғурур ва севинч бағишлади.

Барча мирзачўлликлар қатори Арнасой районидаги С. К. Тимошенко номли давлат хўжалиги меҳнаткашлари ҳам бу байрамларни муносиб кутиб олишди. Қайси бўлим ва бригадага борманг иш қизғин. Айниқса маккажўхори экилган майдонларда шу кунларда эрта-ю кеч ҳаракат тўхтамайди. Совхознинг учинчи бўлими деҳқонлари 38 гектар ерга дон учун маккажўхори экишган эди. Ҳосил кутилгандек бўлди. Ўримга киришилди. Учта комбайн ёрдамида кунига 8—10 гектар ердаги ҳосил йиғиштириб олиняпти.

Бу ерда ишчиларнинг меҳнат қилишлари ва дам олишлари учун барча шароит яратилган. Кундалик матбуот нашрлари вақтида етказиб берилади. Раҳбарлар ишда узилиш бўлмаслиги учун нима керак бўлса олдиндан етказиб беришади. Шунинг учун ҳам меҳнат унумдорлиги яхши.

— Бутун диққат-эътиборимиз чорва қишловига тайёргарлик кўришга қаратилган, — дейди бўлим бошқарувчиси Акром Ярашев. — Шунинг учун ҳам асосий куч ва зарур техникани жалб этганмиз: Ҳосил исроф қилинмай йиғиб олиняпти. Ҳар куни иссиқ овқат бор. Равшан Аъзамов сингари сергайрат озуқакорлар хирмонга барака киритишяпти.

Дарҳақиқат, ишнинг унуми биринчи навбатда инсонга ғамхўрликка боғлиқ. Шунда у вазифасини қўл учида эмас, чин дилдан, виждонан адо этади. Кайфияти яхши бўлади. Ишлаб чиқаришда бунинг аҳамияти катта. Биз ўрим кетаётган жойга борганимизда қишлоқ амбулаторияси мудири Мамадали Васиев ҳам ўша ерда экан.

— Тез-тез келиб хабар олиб турамиз, — дейди М. Васиев. —Инсон учун аввало соғлиқ керак. Саломатлик бўлса қолган ҳаммаси бўлаверади. Буни ҳар келганимизда таъкидлаймиз, ишчилар саломатлигини текширамиз. Бундан ташқари уларга тайёрланаётган овқат сифатини, дам оладиган жойлари озодалигини, иш шароитларини назорат қилиб борамиз. Кичик дорихонани тиббиёт анжомлари билан таъминлаганмиз. Ҳозир ҳам яна нималар кераклигини ёзиб олдим...

Кейин деҳқонлар билан суҳбатлашдик. Чарчоқ кўзларда хотиржамлик, мамнунлик. Бундан ғоят хурсанд бўлдик. Ахир шундай долзарб ва қийин дамларда биз учун энг муҳими хотиржамлик ва сиҳат-саломатлик эмасми!!

Р. АБДУЛХАЕВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Қишлоқ амбулаторияси мудири М. Васиев (ўнгда), бўлим бошқарувчиси А. Ярашев ва агроном Р. Примовлар. 2. Илғор механизатор Р. Аъзамов. 3. Маккажўхори ўрими қизғин.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

АМАЛИЙ ҚАДАМ

Ўтган йили июнь ойида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида Мустақиллик декларацияси қабул қилинганди. Унда ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналарига асосланиб, демократик ҳуқуқий давлат тузишга қарор қилинганлиги баён этилган эди. Хурсанд бўлганимдан кўзларим ёшланди. Дастлабки қадам ташланди. Мустақиллик декларациясида илгари сурилган ғоялар изчил амалга оширилмоқда. Сессия чақирилиб, бу масала яна кун тартибига киритилгани нур устига эзо нур бўлди. Ўзбек халқининг асрий орзулари рўёбга чиқадиган кунлар яқин.

Мустақиллик халқимизнинг муддаоси, у бизга сув ва ҳаводек зарур. Колхозимиз ҳудуди қурилиш майдонига айланган. Бу ерда азаматлар бунёдкорлик ишларини олиб боришяпти. Буюртмачи сифатида ёғоч, цемент, техника, эҳтиёт қисмлар етишмаса, пудратчи ташкилотга ёрдамлашишга ҳаракат қиламиз. Ана шу материаллар топилишини тезлаштириш мақсадида тез-тез Россия, Украина, Белоруссияда сафарда бўламиз. Ўзбекистон мустақил давлат бўлса, иқтисодий муносабатлар тенг ҳуқуқлилик асосига қурилади. Бошқа масалаларнинг ҳал этилишига ҳам кенг йўл очилади, деб ўйлаймиз.

У. ЖУМАЕВ,
Жиззах районидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигининг қурилиш муҳандиси.

САДОҚАТ

Яккабоғ қишлоқ Совети депутатларига ўттиз нафар вакил сайланган. Бугун улар 5 доимий комиссияга ишлаб, хизмат кўрсатишни яхшилаш, ободончилик, савдо, тиббий хизматни намунали ташкил этиш сингари муҳим ишлар билан шуғулланмоқдалар.

Қишлоқ Советининг масъул ходимлари депутатлар билан биргаликда сайловчилар наказини бажариш, комиссиялар фаолиятини шу кун талаблари даражасида ташкил этиш учун бор маҳоратларини ишга солмоқдалар.

Депутат Неъматжон Назаровга кўчаларни асфальтлаштириш юмуши топширилганди. Тегишли ташкилотлар эътибори ана шу муҳим масалага қаратилди. Вазифа тўлиқ бажарилди. Бекназар Бердиев, Фароғат Ҳусаинова, Ҳошим Азимов, Қаҳрамон Жўраевларга эса «Сарчашма» ошхонаси атрофини кўкаламзорлаштириш, Навоий кўчасида озиқ-овқат дўконини ишга тушириш, Олмазор маҳалласида чойхона, Отчопар маҳалласида эса озиқ-овқат маҳсулотлари дўкони ташкил этиш ишлари юклатилганди. Талаблар қондирилди.

Кенгаш ҳузуридаги умумий овқатланиш ва аҳолига савдо хизмати кўрсатиш комиссияси ҳам ўз ишини қатъий режа асосида олиб бормоқда. Аъзолар Оқбой Алиқулов, Жўра Қаҳҳоровлар қишлоқ ҳудудидаги савдо шаҳобчалари фаолиятини назоратга олишган. Депутатлар матлубот жамиятидагилар билан ҳамкорликда шаҳобчаларни кенгайтириш, янги дўконлар ташкил этишга катта эътибор бермоқдалар.

Мактаблар, боғча ҳамда маданият ва соғлиқни сақлаш доимий ҳайъати фаолияти ҳам мақтовга лойиқ. Комиссия раиси Элмаҳмат Эргашев раҳбарлигида ҳудуддаги мактабгача тарбия муассасаларидаги аҳвол жиддий ўрганилди. Йўл қўйилган камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш чоралари муҳокама қилинди. қишлоқ Кенгаши сессиясида бу масалалар жиддий кўриб чиқилди.

Ҳудудда тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам талайгина ишлар қилинмоқдаки, бундан аҳоли мамнун бўлмоқда. Икки тиббиёт шаҳобчаси, бир марказий шифохона ва юқумли касалликлар поликлиникаси бугун қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.

Халқ депутатлари Қашқадарёс вилоят Кенгаши депутати Карим Остонов ташаббуси билан ночор оилаларга 100 донадан шифр сотилиб, аҳоли ижтимоий аҳволини яхшилаш йўлида тадбирлар белгиланди. Шу билан бирга сув тошқини туфайли зарар кўрган 300 оилага томорқа берилади.

Кўриниб турибдики, Яккабоғ қишлоқ Кенгаши депутатлари, фаоллар эртанги кун фаровонлиги йўлида ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Х. ТЎРАЕВ.

ИШОНЧИМИЗ КОМИЛ

Фарзанд она-Ватан олдидаги бурчини ўтар экан, унинг қайтишини орзиқиб кутаётганлар, қавму қариндошларни доимо ёдга олади. Ўғлимиз Нурматжонни ҳарбийга кузатув онларида унинг вояга етганидан, Ватан, халқи олдидаги шарафли бурчини адо этишга киришаётгандан ҳақли равишда фахрландим. Бугун ҳам ана шундай ҳис-туйғу билан яшаётганимни яширмайман.

Меҳаткаш, қадоқ қўлли ўзбек халқи доимо ана шундай ғурур ва нифтиҳор туйғуси билан яшаган. Жигарғўшаларини мусофир юртларга жўнатаётганда ой бориб омон қайт, дегандек нон синдирадилар. Эли, юрти юзини ерга қаратмасликни уқтиришади...

Бугун бир қадар нотинч, алғов-далғов замонанинг гувоҳи бўлаяпмиз. Иқтисодий тақчиллик, сиёсий мулоқотлар авж олган даврда сўзсиз ҳарбийдагилар ҳаётига ҳам таъсир этади. Бу эса ота-оналар кўнглига ғашлик, бехаловатлик туйғуларини сочаётганидан кўз юммаслик керак. Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг қатор анжуманларида юқоридаги масала бир неча бор муҳокама этилган мустақиллик тўғрисидаги масалаларнинг ижобий ва узил-кесил ҳал этилгани ғоят қувончлидир.

Н. САЪДИЕВ,
Пешқу районидаги А. Навоий номли жамоа хўжалиги аъзоси.

ҲАММА МАНФААТДОР

Чорвачилик хўжалигимизнинг етакчи тармоқларидан бири. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳам халқимиз дастурхонига кўпроқ маҳсулот етказишга ҳаракат қиляпмиз. Натижа чакки бўлмаётир. Буни йилнинг ўтган етти ойида эришилган ютуқлардан билса бўлади. Бўрдоқибоқарларимиз давлатга 34,4 тонна гўшт етказиб беришди. Ҳар бош қорамолнинг тирик вазни ўртача 420 килограммни ташкил этди.

Сутчилик чорвачиликнинг асосий тармоқларидан бирига айланмоқда. Жониворлар тўйимли озуқалар билан парвариш қилинаётганлиги туфайли маҳсулот кундан-кунга ошиб бормоқда. Ҳозиргача ҳар бош сигирдан 2.100 килограммдан сут соғиб олинди. Давлатга 230 тоннадан кўпроқ маҳсулот топширилди.

Сут етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирларини кўраяпмиз. Районимиздаги «Тошкент» жамоа хўжалигидан 44 бош «Швиц» зотли ғунажин сотиб олдик.

Жорий йилда 390 тонна маҳсулот топширишимиз керак. Кунига 1.200 килограммдан сут жўнатаяпмиз. Йил охиригача режадагидан 10 тонна кўп серқаймоқ сут сотишни кўзлаяпмиз.

Ишимизнинг натижаси маҳсулотнинг сифатлигига қараб баҳоланади. Говмишлар айни кунда майдаланган беда пичани, аралаш ем билан боқиляпти. Шу сабаб ёғлилик даражаси 3—4 фоизни ташкил этаётир.

Жамоамизда ўз касбининг усталари кўп! Ана шундайлар қаторига Мақсудахон Ўктамова, Фотимахон Саидова, Муборакхон Тўйчиевани киритиш мумкин. Собиржон Орифжонов, Тожихон Шабдонова, Эркинбой Тожибоев каби молбоқар ва бузоқбоқарлар ҳам яхши ишлашаяпти.

Чорвадорлар яратувчилик меҳнатлари билан иқтисодиётни мустаҳкамлашяпти. Амалдаги йилнинг биринчи ярмида тармоқдан 861,3 минг сўм даромад олинди. Бу режадагидан 153,3 минг сўм кўпдир. Имкониятлардан самарали фойдаланиш йўли билан даромадни кўпайтирамиз.

Н. МАМАЖОНОВ,
Олтинкўл районидаги Свердлов номли жамоа хўжалиги чорвачилик фермаси мудири.

ЗАМИН САХОВАТИ

Пахтазорлар кузнинг дастлабки кунларида гўзал ва жозибадор бўлади. Бодроқдек очилаётган пахталар кундан-кунга кўпая бошлайди. Бу манзара кўнгилни ром этади.

Олтин куз юртимизга сеп ёйди. Эрталабки лаҳзаларда ўсимликларга шабнам тушди. Дала сўқмоқлари намчил бўлади. Тоғ чўққилари узра табассум билан боққан қуёш нури майсалардаги шудрингга тушиши билан сон-саноқсиз ёғду ўйнайди.

Пахта далаларида ҳаёт янада қайнайди. Пайкаллар одамлар билан гавжум бўлади. Эртадан кечга қадар машиналар гулдуроси тинмайди. Жамоа ва давлат хўжаликларида йиғим-терим мавсумига тайёргарлик авж олмоқда. Илғор хўжаликларда пахта териш, кўсак чувиш машиналари ҳозирдаёқ тахт қилиб қўйилди.

Боғлар, далалар, полизларда етилган ноз-неъматлар сархил: қовун-тарвуз, олма, шафтоли, анжир, нашвати, анор, помидор, бақлажон, булғор қалампири, ошқовоқ, сабзи, лавлаги, карам, кўклар — бу рўйхатни давом эттириш мумкин. Ҳар бирининг дастурхонимизда ўз ўрни бор. Булар омилкор ва тадбиркор деҳқону соҳибкор меҳнатининг самарасидир.

Амударё ва Сирдарё бўйларида эрталаб сайр қилсангиз, кўкка енгил пар ўрлаётганини кўрасиз. Бу совуқ кунлар яқинлашаётганидан далолат. Шу боис айрим қушлар иссиқ ўлкаларга жўнашга шайланишаяпти. Қалдирғочлар, кўкқарғалар, узунқанотлар, бўздаклар биринчи бўлиб учиб кетишди.

Сентябрда юртимизнинг кўллари, каналлари, сунъий денгизлари, дарёлари сувда сузувчи қушлар билан тўлади. Булар ўрдаклар, лойхўраклардир. Улар еримизда узоқ дам олишади. Сўнгра Африка кенгликларига, Ўрта Ер денгизи соҳилларига, Ҳиндистон, Эрон ва Покистонга кетишади. Бир қисми Каспий денгизининг жанубий қирғоқларида қишлашади.

Кузнинг илк кунларида тоғ даралари, ёнбағирлари ўзгача манзара кашф этади. Бу ерларга салқин тушади. Тоғли ноҳиялардаги ёнғоқлар, наъматаклар барги ҳозирдаёқ сарғая бошлади. Тоғларнинг жанубий қияликлари манзараси ўзгарди. Аммо шу кунларда ҳам гуллаётган ўсимликлар борки, уларнинг ёқимли бўйи қияликлар, дараларга тарқалиб, асаларини ўзига чорлайди.

Бўрсиқ, айиқ, жайра, суғур, олмахон каби жониворлар кўп овқатланишмоқда. Улар мой тўплашлари керак. Бу қиш уйқусида асқотади. Баъзилари қаттиқ ухлаб қолса, бошқалари уйғониб туришади. Жайрани олайлик. У қиш илиб кетган дамларда уйғониб, уясидан ташқарига чиқади.

Тўнғиз мева ейишга ўтди. У болаларини эргаштириб тоғ, боғларни кезади. Еввойи олма, олча, маймунжон, писта ва бошқа дармондориларга бой меваларни тўйгунча ейди. Баъзан илдиз меваларни излаб, сойлар ва булоқлар бўйидаги ерни тумшуғи билан кавлайди.

Чотқол тоғларидаги даралардан ҳамон қораялоқнинг ёқимли навоси келиб туради. Куз келганидан улар ташвишга тушгани йўқ, гўё фасл ўзгарганини сезмагандек ўз ташвиши билан машғул. Хониши шу қадар ёқимлики, тинглаган кишига ҳузур бахш этади.

Чўққилари оппоқ қор билан қопланган юксак тоғлар узра йиртқич қушлар айланиб юради. Улар шу ерларда қишлаб қолишади. Эртадан кечгача осмондан ерни кузатиб, бирор майда жониворни кўриб қолишлари билан ўзларини ерга отишади. Уларни санитарлар, деб ҳам аташади. Йиртқич қушлар нобуд бўлган ҳайвонлар, кемирувчиларни истеъмол қилиб, қишлоқ хўжалигига фойда етказишади. Тоғли ерларни зараркунандалардан тозалаб, касалликлар тарқалишининг олдини олишади.

Жиззах даштларида, Фориш теварак-атрофларида ажойиб гулдаста ясаш мумкин. Бу йил баҳорнинг ёғин-сочинли келиши туфайли бу жойда гиёҳларнинг ўсиши ва гуллаши давом этмоқда.

Баъзи йилларда кузнинг дастлабки ойида ёғингарчилик бўлиши кузатилган. Кутилмаганда кўк узра булут пайдо бўлиб, ёмғир томчилай бошлаши мумкин. Аммо бу давомли эмас, қисқа фурсатда ўтиб кетади. Яна кўкка қуёш чиқиб илиқ нурларини соча бошлайди.

А. ЎРМОНОВ.



Турсунпўлат Нуров бошлиқ бригада аъзолари Ғузор районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигида меҳнат қилишади. Улар давлатга 18 тонна узум, 40 тонна мева топширишга ва ҳар гектар ердан 32 центнердан пахта олишга аҳд қилишган.

СУРАТЛАРДА: 1. Болга тўлган узумлар. 2. Саркор Т. Нуров токзордаги мўл ҳосилдан мамнун.

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

СУНБУЛА

✦ Ҳавоси салқин, ёқимли, мўътадил. Шу жиҳати билан одамларга роҳат, ором, ҳузур бағишлайди.

✦ Деҳқон йил бўйи қилган фидокорона меҳнат самараси шу ойда намоён бўлади. Пахталар чаман-чаман бўлиб очилади. Йиғим-терим уюшқоқлик билан бошланади. Ҳамманинг фикри-зикри мўл ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, аъло сифат билан топширишда бўлади.

✦ Боғлардан бол томади, узум, анжир, анор ғарқ пишади. Қовун-тарвуз янада лаззатли бўлади.

✦ Яйловларда яйратиб боқилган моллар семиради. Сигирлар сути янада қуюқлашади.

✦ Сунбула — мўл-кўлчилик, қут-барака ойи, йил-ўн икки ой қилган шижоатли меҳнат деҳқону боғбонларга катта даромад келтиради.

✦ Келгуси йилга замин яратиладиган ой. Экилардан бўшаган ерлар пешма-пеш ҳайдалиб, шудгор қилинади.

✦ Соҳибкорлар енг шимариб, ишга киришадилар. Дастлаб қора кишмиш, сўнгра оқ кишмиш ва узумнинг бошқа навларини йиғиштириш бошланади. Майиз қуритилади.

* * *

✦ Осмон тез-тез булутланиб туради, шамол эсади.

✦ Ҳарорат пасаяди, кечаси салқин тушади.

✦ Ариқлар, сой ва дарёлар суви камаяди.

✦ Табиатга сокинлик чўкади.

✦ Чумчуқлар аввалгидек чирқламайди.

✦ Лайлак, қалдирғоч, кўккарға, сассиқпопишак каби қушлар бирин-кетин кўринмай қолади. Улар иссиқ ўлкаларга учиб кетишади.

✦ Кун қисқариб, тун узайиши давом этади.

✦ Қуёш ботиши билан қоронғи тушади.

✦ Кечаси осмон қоп-қора тусда бўлиб, юлдузлар йирик, равшан, кўпайгандек бўлиб кўринади. Бу совуқ кунлар яқинлашиб келаётганига ишора.

✦ Одатда ёғингарчиликлар деярли бўлмайди. (ҳар ўн беш, йигирма йилда рўй берадиган тасодифий ҳоллар бундан мустасно).

✦ Ҳаво ҳарорати ўртача 18—20 даража атрофида бўлади.

О. СОБИРОВ.

ШИФОСИ ЎЗИДА

АНЖИР

Тутдошлар оиласига мансуб бу неъматнинг шифобахш хусуситти кўп. Меваси таркибида 57—77 фоизгача қанд, С, B_1, B_2 дармондориларн, оқсил, пектин, минерал тузлар (кальций, фосфор, темир) мавжуд.

Қадим замонлардан буён жигар, талоқ ва ўпка шамоллашини, тутқаноқ, асаб касалликларини даволашда фойдаланиб келинади. Меваси ва қоқисидан тайёрланган дамлама йўтални тўхтатишда, балғам кўчиришда ёрдам берса, шарбати билан асал аралашмаси кўз шамоллашига фойдалидир.

Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари»да қайд этилишича, анжир сути қоракурт ва чаён заҳрини кесади. Шарбат билан хантал кўпиги аралашмаси қулоққа томизилса, шангиллашини қолдиради.

Илмий тиббиётда анжир барглардан тайёрланган «Псоберан» дорисн песга, соч тўкилиши касаллигига даво сифатида тавсия этилади.

АНОР

Анордошлар оиласига киради. Таркибида инсон учун фойдали, иштаҳа очувчи, овқат ҳазм бўлишига яхши таъсир этувчи табиий жавҳарлар (4 фоизгача лимон ва олма кислотаси), қанд моддаси (21 фоизгача фруктоза, глюкоза, сахароза), дармондорилар (14 миллиграмм С витамини, фолат кислота) бор. Пўстлоғи таркибида ошловчи, қатрон, буёқ каби моддалар мавжуд. Абу Али ибн Сино пўстлоғини қон қусишда, милк ва ичакдан қон кетганда, пешоб ҳайдовчи, яра ва жароҳатларга малҳам сифатида ишлатишни тавсия этган. Бундан ташқари пўстлоғидан тайёрланган қайнатма ичбуруғга даво бўлишини, гижжани ҳайдашни айтган.

Халқ табобатида анор меваси, пўстлоғи, гули истисқо, қўтир, йўтал, сариқ касалликларини даволашда ишлатилади. Шарбати иштаҳани очади. Пўстлоғининг кўпи сарёғ ёки мол мойига аралаштириб суркалса, теридаги йирингли яралар тузалади. Қайнатмаси оғиз бўшлиғининг яллиғланишига даво.

Анордан тайёрланган қиём иштаҳа очувчи, аъзоларга қувват бахш этувчи хусусиятга эга.

БЕҲИ

Атиргулдошлар оиласига мансуб. Меваси шифобахшлиги қадимдан маълум. Таркибида 12 фоизгача қанд, 5 фоизга яқин табиий жавҳарлар (олма, узум, лимон кислоталари), эфир, ошловчи мойлар, пектин, темир, мис, кальций тузлари, уруғида 20 фоизга яқин шиллик, глюкозид амигдалин, 8 фоиздан ортиқ мой, буёқ моддалари борлиги билан диққатга сазовор.

Халқ табобатида мевасининг шарбати билан астма, юрак, сариқ, ҳиқичоқ, қорин оғриги, дармонсизлик, камқонлик, йўтал, меъда, жигар ва буйрак хасталикларини даволашди.

Ф. ОБИДОВ.



Тоғлар бағри баҳаво...

И. ПОРТНОВ олган сурат.

ХАНДАЛАР

— Бу одамлар қанчалар беақл,— деди бир Пашша бошқасига. — Шифтларда ҳаддан ташқари кўп пул сақлашади-ю, аммо нечундир улардан фойдаланишмайди.

* * *

— Биринчи саҳнада менга тегадиган инжунинг ҳақиқий тантиқ актриса.

— Яхши, ҳақиқий бўлади, қий бўлишини хоҳлайман,— деди театр директори кулиб. — Ҳаммаси ҳақиқий бўлади — биринчи қисмдаги инжу ҳам, охиргисидаги заҳар ҳам!

* * *

— Жон, тўғрисини айт, хотининг неча ёшда?

— Бир нарса дейиш қийин, аммо унинг сўзига қараганда, у ўғлимиздан ҳам ёшроқ бўлиб чиқади.

Ҳабиб СИДДИҚ таржимаси.

Ойнома

СЕНТЯБРЬ

ДУШАНБА	2	9	16	23	30
СЕШАНБА	3	10	17	24	
ЧОРШАНБА	4	11	18	25	
ПАЙШАНБА	5	12	19	26	
ЖУМА	6	13	20	27	
ШАНБА	7	14	21	28	
ЯКШАНБА	1 8	15	22	29	

ҚУШЛАР САЙЛИ

Болалар иссиқ ўлкаларга учиб кетаётган қушларни узоқ кузатиб қолдилар. Кузда қанотли жониворлар Чотқол тоғлар тизмаси бўйлаб жанубгача йўл олишади. Уларни кузатиш ниҳоятда завқли. Турналар, ўрдаклар, чуғурчиқларнинг галалари ҳар куни эрта тонгда пайдо бўлади. Маълум бўлишича, ҳар бир қушнинг яшаш тарзи, фақат унинг ўзига хос маскани мавжуд. Совуқ кунлар яқинлашганда ҳашаротларни овловчи қанотлиларга емиш камаяди. Шу боис ҳашаротхўр қушлар иссиқ ўлкаларга йўл олишмоқда. У ерларда овқат сероб.

Сувда сузувчи паррандаларнинг овқат тартиби бошқача. Қушлар фақат сувда яшовчи жониворлар ва ўтларни ейишади. Қишда биздаги сув ҳавзалари музлаб қолади. Бундай шароитда улар овқатни қандай топади? Демак, умрбод қиш келмайдиган юртларга учиб кетиши керак. Шунинг учун сув қушлари қулай муддат келиши билан жанубга отланишади. Баҳор келиб, кунлар исиши, сувдан овқат топиб ейиш имконияти юзага келиши билан улар яна қадрдон жойларига қайтишади. Ахир бу жойлар уларга азиз!

Аммо қушларга бир юртдан иккинчи юртга учиб бориш осон эмас. Узоқдан-узоқ масофани учиб ўтишга тўғри келади. Баъзилари йўлда ҳалок бўлишса, бошқалари тартиббузарлар тузоғига тушади. Омадлиларгагина ўз масканига эсон-омон етиб бориш насиб этади.

А. ЙЎЛДОШЕВ.

Августнинг охирги ўн кунидан юртимизга йилнинг янги ойи — сунбула ташриф буюрди. Бу сўз арабча, форс-тожик тилида хоша, ўзбекчада эса буғдой дейилади. Бошқача айтганда, оламнинг бош ёритгичи — Қуёш бу ойга келиб шу номдаги юлдузлар буржига ўтади. Табиатда бошқа ойлардаги каби ўзига хос ўзгаришлар бўлади.

Сунбулага хос одатлар бу ойда туғилган одамлар феъл-атворида ўз ифодасини топган. Буни билиб олиш қийин эмас. Улар одатга кўра бўшанг эмаслар, кўпчилик орасида ўзларини ноқулай сезадилар.

Бу ойда туғилганларга хос асосий фазилат шуки, улар кўп хаёл суришга мойилдирлар. Шу боис кечга бориб ўта чарчайдилар. Яна бир одатлари — бошқалар феълидаги ўзларига тўғри келмайдиган нозик иллатларни сезувчандирлар. Шунинг ўзи ҳам уларда ўзгалар қилмишини таҳлил этишга мойиллик кучли. Бу тоифа кишилар феълидаги асосий иллат шунда.

ВАҚТ ВА ҲИСЛАТ

Уларга хос яхши фазилат кўп. Ҳар доим бошқаларга яхшилик қилиш пайида бўладилар. Аммо ўзларига бундай қилинишига нима учундир қаршилик кўрсатишади. Гап шундаки, ўзгалар олдида қарздор бўлиб қолишга тоқат қилолмайдилар. Шу боис кўпчилик уларни худбин, ўз манфаатини бошқалар манфаатидан устун қўяди, деб ҳисоблайди. Бунинг сабаби шундаки, улар ўз вақти, куч-ғайратини муайян чегарага етгунга қадар сарф этадилар. Шундан кейин бундай ҳаракатдан бош тортадилар.

Бу ойда туғилганлар ғойибдан совға, хайр-эҳсон келишини кутмайдилар. Керакли нарсаларни ўз қўллари билан тайёрлашга шайдирлар. Саранжомли, тартибли бўлиш уларга хосдир.

Улар икки хил тоифага мансубдирлар: биринчилари баркасол, бошқалари етук эмасдирлар. Дастлабки тоифага кирувчилар ўзларига, кейингилар эса, бунинг аксича, бошқаларга талабчан ҳисобланишади.

Сунбулада туғилганларга хос яна бир хусусият — улар дори-дармонларга ўч бўлишларига қарамасдан ниҳоятда соғломдирлар. Улар ўз таналари соғлом бўлиш тўғрисида кўп қайғурадилар, одатга кўра парҳезга қатъий риоя қиладилар. Шу боис улардаги касаллик асосан овқат ҳазм қилишга боғлиқ бўлиши мумкин. Бу ички кечинмалар оқибатидир.

Б. ШАМШИЕВ.

ҚАЕРДА ҚАНДАЙ?

Серқуёш юртимизга тўкин ва саховатли куз кириб келди. Она табиатнинг очилдастурхони болга тўлди.

Жумҳуриятимиз далаларининг тароватн ўзгача. Кенг пахтазорларда оқ олтин чаман-чаман бўлиб очилмоқда. Теварак-атрофда куз ўз гўзалликларинн кўз-кўз қилмоқда. Куррамизнинг бошқа минтақаларида ҳам шундайми?

Оврупо, Осиё ва Шимолий Америқода ҳам куз. Шимолий ярим шарнинг тундра ерларида эса ҳаво айнийди. Музлаган батқоқликлар орасидан клюква (меваси қизил, нордон ўсимлик), кўриниб туради. Кишига тинчлик бермайдиган пашша ва чивинлар учрамайди. Буғулар совуқ ва ёқимсиз изғиринлардан ўзларини муҳофаза қилиб, астасекин жанубга, қалин ўрмонлар бағрига йўл олишади.

Шарқий Сибирда ҳаво очиқ, қуруқ, булутсиз, олмахон, бурундиқлар қишга ёнғоқ ва қўзиқоринлар йиғишни давом эттиришади. Қарағайнинг икки ва уч йиллик эски игнабарглари сарғайиб тўкилади. Ой охирида эса улар қайта кўм-кўк либосга ўранади.

Канада жанубида ҳам куз. Эрта билан майсалар устини оппоқ қиров қоплайди. Капалаклар камайиб, чигиртка-ларнинг тунги хониши пасаяди. Кўкда турналарнинг жанубга йўналган арғимчоқлари пайдо бўлади. Бедана ва жиблажибонлар иссиқ ўлкаларга учиб кетишади. Ўрмонларда қўзиқорин ҳамон учрайди. Дуб ёнғоқлари пишиб етилади. Рябина мевасига ўч қушлар бу дарахт атрофида айланиб юришади.

Ўрта Ер денгиз соҳилларида ёз фасли давом этади. Кун исиб, қуёш қиздиради. Ой охирида ёмғир ёғиб, ҳамма ёқни яна кўм-кўк ўсимликлар қоплайди. Турли-туман гуллар очилади. Бу минтақада наргиз фақат куз фаслида гуллайди.

Тибетда ҳам куз. Арпа ҳосили ўриб олинади. Ҳиндистонда сентябрь охири— муссонларнинг алмашинув даври. Кучли тўфонлар, сув тошқинлари бўлади. Дажла ва Фрот дарёларининг юқори оқимларида дастлабки куз ёмғири ёғади. Ёз иссиғида қовжираб қолган майсалар яшнайди. Сулаймон тоғи этакларида, Тар чўли атрофида қуруқ жазирама иссиқ.

Сентябрь — куррамизнинг жанубий ярим шарида баҳорнинг дастлабки ойи. Бразилияда ҳам кўклам бошланиб, табиат уйғонади. Аммо бу жуда қисқа кечади. Сентябрнинг иккинчи ярмидан кунлар исиб, ёз бошланади. Чилида ҳам баҳор. Ҳамма ёқ яшил либосга бурканади. Ҳаво беғубор, гулларнинг муаттар ҳиди анқийди.

Африка жанубида, Ҳинд океани соҳилларидаги Кап вилоятида борлиқ оқ пушти, зарғалдоқ, тўқизил, ҳаворанг гуллар билан қопланади. Теварак-атроф боғ-бўстонга айланади. Бу ўлкани «Африканинг жаннати» дейиш мумкин.

Австралия жанубн иссиқ бўлса, ғарбий қисми эса ниҳоятда гўзаллашиб, чиройли яшил гилам тўшалгандек туюлади.

Т. МАҲМУДОВ, табиатшунос.

Дарё бўйи сўлим-сўлим,
Бир дам кезсам, яйрар кўнглим.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

БАРАКА ФАСЛИ

Пахтапарвар юртим, боғрингга ташриф
Буюрган фаслнинг таърифи ушбу:
Халқинг одатига мос ва яраши
Фасллар ичида пахтакор куз бу!
Чаноқлар лабида инжу тутмоқда,
Чаноқлар лабида табассум, кулги.
Бизларни пахтазор, дала кутмоқда,
Юртимга яраши пахтакор куз бу!
Тароватли боғлар кафтда тутур бол,
Мевалар тўкилур шохидан дув-дув.
Тўкинлик, қут билан кўришур висол,
Қўйни зарга тўла ҳотамтой куз бу!
Сунбула сувлари тиниқди чунон —
Теримчи қизларга нилий бир кўзгу.
Қизлар каби гўзал, қизлардек жонон,
Дастурхон тўлдирган асил фасл бу!

Талъат СОЛИЕВ.

Муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
(«Сельская правда»)
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими— 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36, Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Безатиш бўлими—32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700.000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. Нашр кўрсаткичи— 64.602, 68.753 нусхада чоп этилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 23.30. Буюртма № 5816.